



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 31 » mart

№ 171

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ижросини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомига масъул таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари лавозимларига малакали кадрларни тайинлашни тартибга солиш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлашда уларнинг масъулияти ҳамда талабчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалар раҳбарлари лавозимларига номзодларни танлаш, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалаларини келишиш, уларнинг стажировкадан ўтказилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддатлари
7-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари, Назорат ва ижро интизоми бўлими	Тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ҳамда номзодларнинг ҳужжатлари ва тайёрланган шахсий рефератлари бўйича Кадрлар бўлимига хулоса бериш.	Бир кун муддатда
8-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Кадрлар бўлими	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига номзодлар бўйича ахборот бериш ва номзодлар билан суҳбат ўтказиладиган сана ва вақтини келишиш ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органлари ва ташкилотларга хабар бериш.	Бир кун муддатда
9-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ўринбосари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, Назорат ва ижро интизоми бўлими мудир	Номзодларни суҳбатдан ўтказиш, суҳбат натижалари бўйича таклифлар ва хулосаларни суҳбат варақаларига киритиш.	Номзод суҳбатга келган кундан кейин бир кун муддатда
10-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси	Номзодларнинг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ўринбосари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳамда Назорат ва ижро интизоми бўлими мудир хузурида ўтказилган суҳбат натижалари бўйича таклифлар ва хулосаларни кўриб чиқиш ва номзодлар билан суҳбат ўтказиш.	Бир кун муддатда
11-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Кадрлар бўлими	Суҳбат натижалари ва шахсий рефератлари ижобий деб ҳисобланган номзодларнинг ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг тақдимномаси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўбасига тақдим қилиш.	Бир кун муддатда
12-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлар	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижро интизомини таъминлаш шўбасининг номзодни лавозимга тайинлаш масаласи келишилганлиги ҳақидаги кўрсатмаси асосида номзодни лавозимга тайинлаш туғрисида ҳужжат қабул қилиш.	Президент Администрациясидан ҳужжат келгандан кейин бир кун муддатда

